



**TOSHKENT DAVLAT
AGRAR UNIVERSITETI**

№1. [1]. 2025

AGROBIZNES, FAN VA TEKNOLOGIYALAR

**АГРОБИЗНЕС, НАУКА
И ТЕХНОЛОГИИ**

**AGRIBUSINESS,
SCIENCE AND
TECHNOLOGY**



**ILMIY - AMALIY
ELEKTRON JURNAL**

№ 083688



ISSN: 3060-5245

TOSHKENT - 2025



2025-yil, №1/[1]-son



“AGROBIZNES, FAN VA
TEKNOLOGIYALAR” ILMIY-
AMALIY ELEKTRON JURNALI

BOSH MUHARRIR

Oblomuradov Narzullo Naimovich – iqtisodiyot fanlari doktori (DSc)

Bosh muharrir o‘rinbosarlari:

Islamov Soxib Yaxshibekovich – qishloq xo‘jaligi fanlari doktori (DSc), prof.

Sultonov Kamoliddin Sadriddinovich – qishloq xo‘jaligi fanlari doktori (DSc), prof.

Farmonov To‘lqin Xayitmurodovich – iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), prof.

Mas‘ul muharrir:

Beglayev Uchqun Xurramovich – iqtisodiyot fanlari falsafa doktori, dotsent

Tahrir hay‘atining xalqaro a‘zolari:

Kusainov Xalel Xaymullayevich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Qozog‘iston davlat texnologiya universiteti)

Vilija Aleknevičienė - iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Universitet Vitovta Velikogo)

Gilbert Ludwig – professor, (Jamk University of Applied Sciences)

Bobojonov Ixtiyor Baxtiyorovich - iqtisodiyot fanlari doktori, (Germaniyaning Leybnits nomidagi Markaziy Osiyoda qishloq xo‘jaligini rivojlantirish instituti (IAMO))

Xaitboyeva Nargiza Alikulovna - iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent (Tojikiston davlat huquq, biznes va siyosat universiteti)

Tahrir hay‘ati:

08.00.00-Iqtisodiyot fanlari:

Gulyamov Saidasror Saidaxmedovich – i.f.d. (DSc), prof.

Saidov Muxammad-Ali Xakimovich – i.f.d. (DSc), prof.

Rustamova Iroda Baxramjanovna – i.f.d. (DSc), prof.

Ergashev Raxmatulla Xidirovich – i.f.d. (DSc), prof.

Ochilov Ilhom Sayitqulovich – i.f.d. (DSc), dots.

Abduvasikov Abduaziz Abdulazizovich – i.f.n, dots.

Mamadiyarov Dilshad Uralovich – i.f.n, dots.

Achilov Mashrab Ulug‘bekovich – i.f.f.d. (PhD), dots.

Galimova Feryuza Rafikovna – i.f.n, dots.

Odilova Dilnozaxon Barnayevna – i.f.f.d. (PhD), dots.

Fayziyev Oybek Raximovich - i.f.f.d. (PhD), dots.

Primov Abdulla Egamkulovich - i.f.f.d. (PhD).

Yangiboyev Dilshod G‘ulomovich – i.f.f.d. (PhD).

Tojiboyeva Nafisa Raxmiddin qizi – i.f.f.d. (PhD).

Mardiye Nurali - i.f.n, dots.

Kuvnakov Xaydar Kasimovich - i.f.n, dots.

Siddikov Zaxid Tulkunovich – i.f.n, v.b.prof.

Saidova Dildora Nurmatovna – i.f.n, dots.

Roziqov Jahongir Mustaqim o‘g‘li – i.f.f.d. (PhD), dots.

Boltayev Nurali Shiramatovich – i.f.f.d. (PhD).

Dehkanova Nilufar Sagdullayevna – i.f.f.d. (PhD), dots.

Narinbayeva Gulnora Karimovna – dotsent.

06.00.00-Qishloq xo‘jaligi fanlari:

Anarboyev Azimjon Raimqulovich – q.x.f.d. (DSc), prof.

Shokirov Alisher Djuraboyevich - q.x.f.d. (DSc), prof.

Mardanov Husniddin Xolbozorovich – q.x.f.d. (DSc).

Jo‘rayev Sirojiddin Turdiqulovich – b.f.d. (DSc), prof.

Gulmurodov Risqiboy Abdiyevich – q.x.f.d. (DSc), prof.

Xalmirzayev Dilmurad Kamilovich - q.x.f.d. (DSc), dots.

Xolliyev Asamidin Turayevich - q.x.f.d. (DSc), dots.

Eshankulov Bobomurod Inayatovich - q.x.f.d. (DSc).

Ibrohimov Bahodir Akmal o‘g‘li - q.x.f.d. (DSc).

Abdullayev Anvar Kodirullayevich – b.f.n., k.i.x.

Atabayev Ma‘ruf Maxmudovich – q.x.f.n., prof.

Muxammadov Yo‘ldoshbek Akmal o‘g‘li – q.x.f.f.d. (PhD).

Raxmonov Ubaydillo Normamadovich – q.x.f.f.d. (PhD), dots.

Safarov Asqar Asadullayevich – q.x.f.f.d. (PhD), dots.

Mustafakulov Davron Mamatqulovich – q.x.f.f.d. (PhD), dots.

Akramov Umidilla Ikramdjanovich – q.x.f.f.d. (PhD), dots.

Kasimov Botir Sadriddinovich – q.x.f.f.d. (PhD).

MUASSIS

Toshkent davlat agrar universiteti

ALOQA UCHUN MA‘LUMOTLAR

Manzil: Toshkent viloyati, Qibray tumani, Universitet ko‘chasi, 2-uy.

Jurnalning telegram manzili:

t.me/agrobiznes_elektronjurnal

E-mail: licht-1989@mail.ru

Jurnalning rasmiy sayti:

<https://www.agrobiznesjournal.uz>

Tel: +(998) 93 439 30 00

Jurnalning ilmiyligi:

Agrobiznes, fan va texnologiyalar
ilmiy-amaliy elektron jurnali

O‘zbekiston Respublikasi
Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar
vazirligi huzuridagi

Oliy attestatsiya komissiyasi
rayosatining 2024-yil
30-noyabrda 364/5-sonli qarori
bilan milliy ilmiy nashrlar
ro‘yxatiga kiritilgan.

Elektron nashr 653 sahifa. E‘lon qilishga
2025-yil 28-fevralda ruxsat etildi.

MUNDARIJA

IQTISODIYOT FANLARI

Mardiyev Nurali Bozor nobarqarorligi sharoitida mahsulot talab va taklifi holatini tahlil qilish algoritmi.....	10
Toshboyev Abduraim Jabbarovich, Siddiqov Zoxid Tulkunovich, Normurodov Sarvar Norboy o‘g‘li Qishloq xo‘jaligini innovatsion texnologiyalar asosida boshqarish.....	15
Lobar Bozorova Nuraliyevna Qishloq xo‘jaligi agroxizmat markazlari va fermerlar o‘rtasidagi munosabatlarni emperik tahlili.....	22
Qodirova Xolida Salimovna Ziyorat turizmini rivojlantirishda xorijiy tajribalar tahlili	29
Muratov Abdulaziz Uktamovich, Muratova Mahtuma Gapurovna Подходы и методы оценки стоимости бизнеса	35
Топилдиев Соҳибжон Раҳимжонович, Одилова Дилнозахон Барнаевна Тикув-трикотаж маҳсулотларига маҳаллий истеъмолчилар талабини сегментлаш асосида маркетинг стратегияларини такомиллаштириш	41
Наринбаева Гулнора Каримовна, Дилмуродов Хасан Фахриддин угли Пути совершенствования плодоовощной продукции в Республике Узбекистан	51
Ergashev Olloyor Implementation of digital technologies in the organization of accounting in business subjects	58
Умаров Шахзод Валиджанович Организационно-правовые основы применения инновационных технологий в сельском хозяйстве	63
Rabbimov Elbek Abdulloyevich, G‘afforov Ilhom Ilyosjonovich Establishing a strategic management accounting system in enterprises	69
Qosimova Surayyo Salohiddinovna, Umirov Behruz Bahodirovich Ecological problems and solutions in Uzbekistan: a path towards sustainability.....	73
Sodiqov Xayrulla Sattorovich, Sodiqova Gavhar Xayrulla qizi Parrandachilik korxonalarining boshqaruv hisobida daromadlar va xarajatlar hisobini takomillashtirish	78
Anvarova Dildora Sanjar qizi, Dilmurodov Hasan Fakhriddin ugli The rating of an organization reflects the effectiveness of an employee	83

Жуманиёзов Сирож Азимбой угли Эффективность садоводческой деятельности в Республике Узбекистан	87
Нурутдинова Зухра Алишеровна Формирование конкурентной среды на рынке овощной продукции защищенного грунта	99
Ergashev Olloyor Risks and their assessment in economic subjects.....	105
Roziqov Jahongir Mustaqim o‘g‘li, Tojiboyeva Nafisa Raxmiddin qizi, Aliqulov Dilshodbek Xabibulla o‘g‘li O‘zbekiston qishloq xo‘jaligida sug‘urtalash mexanizmining hozirgi holati.....	110
Xoliqov Sulaymon Utkir ugli Increasing employment based on diversification of the rural economy.....	115
Rahimboyev Muxtorbek Ikrom o‘g‘li Qoraqalpog‘iston Respublikasi aholisining iqtisodiy faolligi dinamikasini ekonometrik baholash.....	122
Saitmuratov Saitmurat Masharip o‘g‘li Davlat sektorida ichki auditni takomillashtirish.....	132
Исламов Фарход Рахматуллаевич Организация системы электронной коммерции.....	141
Акабирова Дилоро Нигматовна Оценка эффективности электронной коммерции.....	149
Ergashev Jamshid Axmadaliyevich Qishloq xo‘jaligida meva-sabzavotchilik eksport salohiyatini oshirishda zamonaviy fan va texnologiyalardan samarali foydalanish yo‘llari.....	158
Одилова Дилноза Барнаевна Разработка инструментов повышения качества и эффективности инновационных образовательных услуг в национальной инновационной системе.....	166
Zaxidov Dilshodbek G‘ulomjon o‘g‘li Audit jarayonini avtomatlashtirish uchun telegram botdan foydalanish.....	172
Baxriddinova Yulduz Baxriddinovna Mahalliy dorivor o‘simliklar yetishtirish maqsadlari va ularni amalga oshirish mexanizmlari.....	180
Qo‘chqorova Muxlisaxon Ulug‘bek qizi Mamlakatimiz tijorat banklarida islomiy bank xizmatlarini takomillashtirish.....	189
Ruzmetov Kudrat Shermetovich, Turgunov Tolibjon Tursunovich Ekonometrik modellar yordamida meva-sabzavotchilik tarmog‘i rivojlanishini tahlili va prognozi.....	196

Jumaqulov Temur Mamlakat sanoatini rivojlantirishning iqtisodiy jihatlari.....	205
Saidov Muhammadali Hakimovich, Esanbekov Diyorbek Mirzabek o‘g‘li Iqtisodiyotda raqamli biznes.....	212
Djumaniyazov Farruxbek Abdulla o‘g‘li Turizm sohasiga kiritilgan investitsiyalarning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini tahlil qilish va baholash.....	221
Sultonova Dilnoza Dilshodovna O‘zbekiston Respublikasida nodavlat notijorat tashkilotlarini shakllantirishning nazariy va uslubiy asoslari.....	226
Ziyadullayev Ilhom Narkobilovich Qishloq xo‘jaligida kooperatsiyalarning tutgan o‘rni va ahamiyati.....	231
Ризаев Нурбек Кадилович, Кадилов Сахобиддин Шарофович, Махмудов Бобур Ҳамрокул ўғли Молиявий ҳисоботларни тузишда хорижий тажрибани қўллаш масалалари.....	237
Xaitbaeva Dilobar Zaxidovna, Xakimova Sevara O‘zbekiston qishloq xo‘jaligiga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish mexanizmini takomillashtirish yo‘llari.....	251
Mirzayev Musurmon Umidullayevich Globalashuv sharoitida transchegaraviy suv resurslardan samarali foydalanishni boshqarish.....	260
Yusupov Zulunjon Ziyoydinovich Davlat-xususiy sherikligi hamda kooperatsiya asosida texnik modernizatsiyalash mexanizmlarini takomillashtirish.....	265
Алиева Надирахон Абдумаликовна Ипакчилик тармоқ корхоналарининг инновацион фаолиятини бошқаришга таъсир килувчи омиллар.....	271
Tojiboyeva Nafisaxon Raxmiddin qizi, Roziqov Jahongir Mustaqim o‘g‘li Klasterlarda xodimlarning rivojlantirish strategiyasini amaliyotga qo‘llash masalalari.....	278
Умарова Наргиза Холдаровна Саноат корхоналарида молиявий хавфсизликни баҳолашда таъсир килувчи ташки омиллар.....	282
Kasimov Botir Sadriddinovich, Safarov Asqarbek Asadullayevich, Normurodov Sarvar Norboy o‘g‘li O‘zbekiston iqtisodiyotida qishloq xo‘jaligining roli.....	292

Баев Адил Хабибуллаевич

Эффективное применение методов эконометрического моделирования в развитии экспорта плодоовощной продукции.....300

Abdulla Primov Egamkulovich

The Role of Crop Diversity in Agriculture: Insights from Samarkand Region.....307

Rustamova Iroda Baxramjanovna, Bozorova Lobar Nuraliyevna

Agroxizmat markazlari faoliyati samaradorligini oshirish istiqbollari.....313

Sheripbayeva Umida Atabayevna

Iqlim oʻzgarishi sharoitida meva sabzavot mahsulotlarini yetishtirishni rivojlantirish yoʻnalishlari.....327

Sirojiddin Eshmatov

Value chain analysis: breeds and breeding of small ruminants.....333

Boltaev Abror Sayitmuradovich

Asosiy vositalar tahlilining tashkiliy jihatlari.....349

Жабборов Азамат

Давлат органларида молиявий назоратни ташкил этишда хавфларни бошқариш тизимини жорий этиш.....355

Rabbimov Elbek Abdulloyevich, Narzullayev Nodir Aziz oʻgʻli, Davronov Azizjon Jamshidovich

Mehmonxona xizmatlarini koʻrsatuvchi subyektlar toʻlov qobiliyatining tahlili.....360

Қувноқов Ҳайдар Қосимович

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг экспорт потециалини ошириш чора-тадбирлари.....366

Ochilov Ilkhom Sayitkulovich

In conditions of transformation methodology for assessing factors affecting the financial efficiency of agricultural clusters374

Дехканова Нилуфар Сагдуллаевна, Галимова Фируза Рафиковна

Ўзбекистонда биоиктисодиётни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал асослари.....382

Ataqulov Usman Maxmadaminovich

Koʻchmas mulk obyektlari qiymatini hisoblab chiqarishdagi va soliq stavkalariga koeffitsiyentlarning qoʻllanilishidagi holatlar tahlili393

Azimov Rustam Batirovich, Malika Kakharova, Kamilla Kakharova

Economic viability of cotton farming under stressful conditions in Uzbekistan.....400

Jalilov Shokhjakhon Kholbozor ugli, Abdurakhimova Madinabonu

Organization of gastronomic tourism in Uzbekistan.....404

Xamitova Mavluda Sindarovna

O‘zbekistonda aholining keksayish jarayoni va uning ijtimoiy-iqtisodiy oqibatlarini statistik tahlili.....409

Курпаяниди, Константин Иванович

Институциональная среда электронной коммерции в Узбекистане: вызовы и перспективы развития.....415

Sa’dullayeva Sayyora Nasillo qizi, Ergashev Mirjon Yorkin ugli

The concept of business ecosystems.....426

Тургунова Гулчехра Тулкиновна

Қишлоқ хўжалигида техник-технологик салоҳиятни ошириш имкониятлари..432

Achilov Mashrab Ulugbekovich

Study of theoretical and practical aspects of production modernization in horticulture in land management.....438

Rustamova Iroda Baxramjanovna, Madiyev Shaxzod Shodmon o‘g‘li

Qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishiga ta’sir etuvchi omillarning ekonometrik tahlili.....445

Рахматулла Эргашев

Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперациясининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти.....455

Норқобиллов Жаҳонгир

Минтақада автотранспорт воситаларидан фойдаланишни баҳолаш турлари...464

Даврон Кесимов

Минтақада соғлиқни сақлаш хизматлар бозорининг хусусиятлари.....470

Nasiba Ergasheva

Mintaqada keytering xizmatlarini rivojlantirish masalalari.....478

Toshboyev Abduraim Jabborovich

Qoramolchilikda innovatsion texnologiyalarni joriy etish va ozuqa muammolari....485

Беглаев Учкун Хуррамович

Турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик хўжаликларини бошқаришнинг илмий назарий жиҳатлари.....492

Musaeva Nigora Nuriddinovna

“Yashil” iqtisodiyot va uni rivojlantirishda davlat-xususiy sheriklikning o‘rni.....499

Narinbayeva Gulnora Karimovna, Sultonamirova Hilolaxon Saidazizxon qizi

O‘zbekistonda imkoniyati cheklangan mijozlarga turizm xizmatlar ko‘rsatishni rivojlantirish yo‘nalishlari.....505

Дехканова Шахлохон Сагдиевна

Развитие кластеров в агропромышленном комплексе и их влияние на занятость населения.....514

Karimova Maftuna Nurdinovna

Mevachilikda brend yaratishning innovatsion yondashuvi va xalqaro meva brendlarining rivojlanish strategiyalari.....520

Sayfullaev Siddik Nosirovich

O‘zbekiston Respublikasida kichik va o‘rta biznes subyektlariga ajratilgan kreditlarni mavsumiylik indeksi tahlili.....527

Shodiyev Murodjon Bakirovich

Tomorqa xo‘jaliklarida asal yetishtirish samaradorligini oshirish masalalari.....535

Kubayev Djasur Abdumuminovich, Ismatillayev Shohijahon Laziz o‘g‘li

Toshkent viloyatida yer resurslaridan foydalanishning dolzarb masalalari.....544

Fattoxov Ulug‘bek Abduxalimovich

Kichik va o‘rta biznes subyektlariga ajratilgan kreditlarning tarkibi va dinamikasi...549

Sobirov Bekmurod

Economic impact of apple pests.....556

Kubayev Djasur Abdumuminovich, Xolmirzayeva Shoira G‘aniboy qizi

Qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallangan yerlar monitoringini yuritishda xorijiy tajriba.....564

Valiev Xayrulla Ismatullaevich

Mamlakatimizda aholi bandligini oshirishda xususiy tadbirkorlikning ahamiyati....569

Boltayev Nurali Shiramatovich

Agrar soha rivojida malakali kadrlarning o‘rni.....576

Азаматов Пўлат Тўлқунович

Фискал сиёсат - молиявий хавфсизликни таъминлаш омили.....586

УЎК: 338.478.33:51

**МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ КООПЕРАЦИЯСИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ****Рахматулла Эргашев**Қарши давлат техника университети
профессори, иқтисодиёт фанлари докториE-mail: erx55@rambler.ru

ORCID 0009-0008-9794-9859

Аннотация. Ушбу мақолада мева-сабзавот маҳсулотлари кластер-кооперация тизимини ташкил этиш асосида ривожлантириш ва кооперация тушунчасининг мазмун-моҳияти очиқ берилган бўлиб, амалиётда уларни мева-сабзавотчилик кооперациялари агрокластерлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, шунингдек интеграция тизимлари фаолиятларида кенг фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотлари кооперациясининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш ҳамда аҳолини мева-сабзавотга бўлган талабини қондириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: мева-сабзавот, маҳсулот, кооперация, самарадорлик, ижтимоий-иқтисодий муҳит, агрокластер, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, қайта ишлаш, интеграция, истикбол, аҳолини таъминлаш.

Аннотация. В данной статье раскрывается сущность концепции развития и сотрудничества на основе организации кластерное-кооперативной системы плодоовощной продукции с учетом их широкого использования в деятельности плодоовощных кооперативов, агрокластеров, фермерских и фермерских хозяйств, а также системы интеграции. Разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию организационно-экономической основы овощных кооперативов и обеспечению спроса населения на плодоовощную продукцию.

Ключевые слова: плодоовощная продукция, продукт, кооперация, эффективность, социально-экономическая среда, агрокластер, сельское хозяйство, продовольствие, переработка, интеграция, перспектива, обеспечение населения.

Abstract. This article reveals the essence of the concept of development and cooperation based on the organization of a cluster-cooperative system of fruit and vegetable products, taking into account their wide use in the activities of fruit and vegetable cooperatives agroclusters, farmers and farms, as well as integration systems. Proposals and recommendations have been developed to improve the organizational and economic foundations of the cooperative and to satisfy the population's demand for fruits and vegetables.

Key words: fruit and vegetables, product, cooperation, efficiency, socio-economic environment, agrocluster, agriculture, food, processing, integration, perspective, population provision.

КИРИШ

Жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги, жумладан, мева-сабзавотчилик соҳаси аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини хом ашё билан таъминлашда алоҳида ўрин эгаллайди. Расмий статистик маълумотларга кўра, жаҳон аҳолисининг сўнгги 20 йил ичида мева-сабзавотчилик маҳсулотларига бўлган талаби йилига ўртача 5-7 фоизга ўсиб бормокда[1].

Мамлакатимизда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни, жумладан, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва уларни сақлаш, жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш орқали экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтиришда мева-сабзавот маҳсулотлари кооперациясининг ташкилий-иқтисодий асослари каби масалаларга долзарб аҳамият берилмокда. «Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»[2]. бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси кучли рақобат шароитида мева-сабзавотчилик кооперациялари ва агрокластерлари бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги кооперацияси ва агрокластерлар соҳасида норматив-ҳуқуқий база шакллантирилган. Булар, хусусан, «Кооперация тўғрисида», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардир.

Бироқ, мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперация масалаларини тартибга солувчи нормалар турли қонун ҳужжатларида белгиланганлиги уларни амалиётда жорий этиш муайян қийинчиликлар туғдиради. Бу соҳадаги барча нормаларни ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатга бирлаштириш зарурати юзага келади. Шу сабабли ҳам мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперациясини ривожлантириш ва унинг энг муҳим принципиал янги жиҳатларини кўриб чиқамиз лозим.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Мева-сабзавот маҳсулотлари кооперацияси масалалари кўплаб хорижлик олимларнинг, хусусан, А.В.Чаянов[3], И.Н.Буздалов[4], Т.Бузина[5], Н.Кузнецова[6], И.Минаков[7], В.Володин[8], Л.Антоненко[9] каби ва бошқа аграр соҳа иқтисодчи олимлари илмий ишларида ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида мева-сабзавот маҳсулотлари кооперацияси масалалари Аллахвердиев А.И. [10], Н.В.Ермалинская[11], Е.А.Кожевников[12], И.И.Чайка[13], Ю.М.Сапего[14], И.М.Лифиц[15] каби олимлар тадқиқотларида ўрганилган.

Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари кооперациясининг умумий муаммоларини ўрганиш бўйича маҳаллий олимларимиздан Р.М.Хусанов[16], Қ.А.Чориев[17], Ў.П.Умурзаков[18], С.Эшматов[19], Т.Ҳ.Фармонов[20], Н.С.Хушматов[22], О.Жумаев[23], Х.С.Хушвақтова[24], Р.Х.Эргашев[25], Ш.М.Муродов[26] ва бошқа олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Юқоридаги тадқиқотларда мева-сабзавот маҳсулотларнинг иқтисодий самарадорлик масалалари батафсил кўриб чиқилган, самарадорлик даражасини баҳолаш усуллари, уни ошириш йўналишлари ва йўллари ўрганилган. Бирок, кўплаб муаммолар муҳокама қилинганига қарамай, олимлар мева-сабзавот маҳсулотлар кооперациясининг ташкилий-иқтисодий асослари масаласида бир фикрга кела олишганлари йўқ. Мева-сабзавот маҳсулотлар кооперацияси муаммосини янада чуқурроқ ўрганиш мева-сабзавотни қайта ишлаш ва сақлаш корхоналарининг ривожланиш захираларини ҳар томонлама иқтисодий баҳолашни ва мева-сабзавот маҳсулотлар кооперациясининг ташкилий-иқтисодий асосларига оқилона илмий ва инновацион ёндашувларни талаб қилади.

Шу билан бирга, мева-сабзавот маҳсулотлари кооперациясининг ташкилий-иқтисодий асослари масалалари етарли даражада ёритилмаган. Ушбу ҳолат мазкур йўналишларда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади, ҳамда тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперациясига хос бўлган асосий хусусиятларини асослаб бериш, даладан дастурхонга қадар занжирини ташкил этишда мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперацияси муҳитида ривожлантириш стратегияларини шакллантириш асосида унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш доир таҳлилида индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил этиш, жадвал ва графиклар усулларида фойдланилди ва таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Мамлакатимизда мева-сабзавотчилик соҳасидаги фермер ва деҳқон хўжаликлари кооперативлар, айниқса деҳқон хўжаликлари майда товар ҳажмдаги ишлаб чиқариш ва маҳсулот ҳажмига эга бўлгани ҳолда ишлаб чиқараётган маҳсулотларини бозорда мустақил равишда сотиш учун олиб киришда кооперацияга бирлашиб маҳсулот ишлаб чиқишига нисбатан кўпроқ моддий ресурслар ва иш вақти сарфлаши керак бўлади.

Қишлоқ хўжалигида мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз маҳсулотларини рақобатли бозорда сотиши натижасида, мева-сабзавот маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш билан боғлиқ харажатларини қоплаши ва маълум миқдордаги фойдага эга бўлиши лозим. Ушбу фойда миқдоригина мева-сабзавот маҳсулот ишлаб чиқаришнинг келажакдаги истикболли ривожланиши ёки инқирозга юз тутишини ҳал этувчи омил ҳисобланади.

Кооперация-бу кўп одамлар бир хил ёки турли хил, ўзаро боғлиқлик, меҳнат жараёнларида биргаликда иштирок этадиган махсус меҳнат шаклидир.

Кооперация эҳтиёжларни қондириш учун тайёр маҳсулот ёки хизматни биргаликда ишлаб чиқариш тамойиллари асосида шаклланадиган ишлаб чиқариш муносабатлари. Булар ҳар қандай турдаги корхоналар ва бошқа хўжалик тузилмалари бўлиши мумкин.


Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда сақлаш борасидаги кооперация жараёнларига умумий ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасининг хизмат кўрсатиш бўғини корхоналари (маҳсулотни тайёрлаш, сақлаш ва истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ бўлган хизматлар) билан ёки кўп сонли мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчиларнинг ягона мақсад йўналишидаги ўзаро манфаатли ва эркин равишда бирикиши жараёни сифатида қараш мумкин.

Бизнинг фикримизга кўра, қишлоқ хўжалиги кооперацияси– бу қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ўзларининг иқтисодий ва бошқа талабларини қондириш мақсадларида ташкил этилган қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва уларнинг ҳамкорлари тизими.

“Қишлоқ хўжалиги кооперативи– бу хўжалиги юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида биридир. У ўзида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан кооператив аъзоларининг моддий ва бошқа талабларини қондириш мақсадида пай бадалларини бирлаштиришга асосланган ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш ва бошқача хўжалиги фаолият юритиш ташкилотларини билдиради”[23] деган тариф бизнинг фикримизча масалани тўлиқроқ ёритади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари бошқа кооперативлардан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тузилиши билан фарқланади.

“Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиси” тушунчаси кооперативни қишлоқ хўжалиги мақомига нисбатан асос солувчи етакчисидир. У ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулот ҳажмининг 50% дан ортиғини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил этиши керак.



Манба: Муаллиф ишланмаси.

1-расм Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперациясининг ўзига хос-хусусиятлари

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида кооперация жараёнининг назарий-илмий асослари шаклланиш ва ривожланиш давридаги турли қарашларга ва унинг бугунги кундаги мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш йўналишида бажараётган вазифаларига асосланган бўлсак, мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперацияси тизими иқтисодий моҳиятига бизнинг назаримизда қуйидаги ўзига хос-хусусиятларни инобатга олиш зарур (1-расм).

Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперацияси-барча иштирокчилар учун ўзаро фойда ва ҳар кимнинг манфаатларини кондириниш асосида ресурсларни камроқ сарфлаш билан умумий мақсадга эришиш учун шериклар ўртасидаги иқтисодий муносабатларда ўз ҳамкорлиги маъносида намоён бўладиган иқтисодий ҳодисадир. Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперациясидан кўзланган асосий мақсад қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига ўз иқтисодиётини ривожлантиришда ёрдам бериш ва самарадорликни оширишдан иборат.

Бизнинг фикримизча мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперацияси - ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари кооперативларни яратиш тартибини, уларнинг ҳуқуқий ва ташкилий шакллари, ресурсларни тақдим этишда ишлаб чиқариш, муносабатларни ташкил этиш тартибини, маҳсулот маркетингини, солиқ тизимларини, давлат ва кооперативлар ўртасидаги муносабатларни, кооперативларни ўзаро муносабатларни, мулкни бегоналаштиришга қарши ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлашни белгиловчи қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи сифатида тушунилиши керак.

Яъни кўп сонли ва ҳажми жиҳатидан кичик бўлган мустақил мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг етиштирган маҳсулотларини нисбатан кам ҳаражатлар ва нобдугарчиликлар ҳисобига истеъмолчиларга етказиб бериш юзасидан ўз фаолиятларининг маълум соҳасини ихтиёрий равишда ҳамкорлигини бирлаштириш асосида кўпроқ даромад кўриш мақсадида фаолият юритишни кўзда тутувчи иқтисодий муносабатлари мажмуидан иборат.

Мустақил мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчининг кооперациясида қуйидаги афзалликлари мавжуд:

-ташкилий, иқтисодий ресурси ва бошқа чегаралари муайян саноат кўламини ошириш мақсадида уларда концентрация ва ихтисослашув жараёнларини тўлиқ ривожланишига йўл очилади;

-ўзаро манфаатли ҳамкорлик шаклида ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириш натижасида маълум бир маҳсулот турини ишлаб чиқаришда иқтисодиётнинг концентрацияси ва ихтисослашуви жараёнларини ривожлантириш учун имкониятлар яратади;

мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришида турли механик, биологик, хўжалик жараёнлари ва операциялари ўзининг оптимал режимлари ва ўлчамларига эга бўлади;

мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасининг оптимал ҳажми қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишловчи корхонанинг

оптимал ҳажмига мос келмаслиги керак, унинг оптимали турли омилларга, шу жумладан, турли хил хом ашёларни ташиш даражасига боғлиқ бўлади.

1-жадвал

Мева-сабзавотчилик соҳасида кластер, кооперациялар ва интеграция тушунчаларининг таққослама таснифланиши

№	Таққослама мезонлари	Иқтисодий категориялар		
		кластер	Кооперация	интеграция
1	Жамиятдаги роли	Ижтимоий меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари		
2	Тушунчалар	Cluster-бир нечта элементларнинг бирлашиши	Cooperation-хамкорлик	Integration-тикланиш
3	Моҳиятини аниқлаш	Бир хил турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнидаги бирлашиши	Ихтиёрий равишда меҳнат ва ресурсларнинг бирлашиши	Уюшмада ва ўзаро хамкорликни мослаштириш
4	Мақсади	Ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш занжирига бирлаштириш	Аҳолини ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондириш	Фойда олиш мақсадида иқтисодий бирлашиши
5	Асосий белгилари	Ишлаб чиқариш занжирининг битта субъект атрофида бирлашуви	Битта фаолият майдонида ишни ташкил этиш	Иқтисодиёт фаолиятининг ўзаро боғланиши
6	Шаклланиш механизми	Ер ва меҳнат ресурслари шартнома асосида, қолган барча ресурслар ягона субъект (кластер) томонидан молиялаштирилади	Меҳнат ресурсларни бирлаштириш ва уларнинг вазифаларини биргаликда ечиш	Савдога асосланган ишлаб чиқариш молиявий бошқарув ва бошқа муносабатларни ташкил этиш
7	Субъектлари	Бир турдаги маҳсулот бўйича бирлашиш	Фаолият субъектлари бўйича ихтисослашган	Ҳар хил фаолият субектлари
8	Ташкилий масалалари	Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш шартномалар асосида амалга оширилади	Уюшма ва жамиятларнинг истеъмолчилар тизимига мослаштириш	Интеграциялашган бирлашмалар
9	Натижаси	Ишлаб чиқаришнинг узлуксиз занжири ягона субъект атрофида бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг бирлашиши	Мақсад ва вазифалар асосида ҳудудлар даражасининг кооперация тизимига бирлашиши	Молиявий, инфраструктуравий ва бошқарув органларнинг бирлашиши
10	Самарадорлиги	Биргаликдаги фаолият бўйича фойда олишнинг афзалликлари		

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Маълумки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, шу жумладан мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришда, қайта ишлаш ва сақлашда иқтисодий категориялар қўлланилади. Ушбу иқтисодий категориялар бир-биридан фарқланади (1-жадвал).

Келтирилган жадвал маълумотларидан маълумки бунда кооперацияга бирлашувчи субъектлар маълум фаолият йўналиши (маҳсулотни етиштириш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиш) бўйича бирлашгани ҳолда, ўз иқтисодий мустақил ҳуқуқий мақомини сақлаб қолиши ва кооперацияга бирлашиши ихтиёрий ҳамда иштирокчиларнинг иқтисодий манфаатларига таяниши (камроқ сарф-ҳаражатлар ҳисобига маҳсулотларини бозорга самарали тақдим қилиш орқали наф кўриши) – кооперациянинг асосини ташкил қилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кооперациянинг иқтисодий моҳиятига берилган таърифга таянган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотлари кооперацияси соҳасида фаолият юритувчи кооперативларни қуйидагича таснифлаш мумкин (2-расм).

Мева-сабзавот маҳсулотлар етиштирувчиларнинг кооперацияларга бирикиши эса маҳсулотни истеъмолчиларга етказиш билан боғлиқ транспорт сарф-ҳаражатларни мутлоқ ва нисбий камайтириш ҳисобига хўжаликларга ҳамда макродаражада ялпи ҳаражатлар камайишига олиб келиши туфайли иқтисодий жозибадор ҳисобланади.



Манба: Муаллиф ишланмаси.

2-расм Мева-сабзавот маҳсулотлари кооперацияси соҳасида фаолият юритувчи кооперативларнинг таснифланиши

Юқоридагиларни ҳисобга олсак, хўжаликларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш тизими бўлиши лозим ва бу вазифа истеъмолчиларга маҳсулотларни етказиш самарали амалга оширилиши мумкин. Махсус жиҳозланган замонавий мева-сабзавот маҳсулотларни сақлаш тизимини

эксплуатация қилиш, кичик хўжаликлар доирасида иқтисодий жиҳатдан кам самарали.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ хўжалигида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперациясининг ўрни биқиёс.

1. Мева-сабзавотчилик маҳсулотларини кооперацияси – бу қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ўзларининг иқтисодий ва бошқа талабларини қондириш мақсадларида ташкил этилган мева-сабзавотчилик маҳсулотларини кооперативлари ва уларнинг ҳамкорлари тизимидир.

2. Мева-сабзавотчилик маҳсулотларини кооперация - ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари кооперативларни яратиш тартибини, уларнинг ҳуқуқий ва ташкилий шакллари, ресурсларни тақдим этишда ишлаб чиқариш, муносабатларни ташкил этиш тартибини, маҳсулот маркетингини, солиқ тизимларини, давлат ва кооперативлар ўртасидаги муносабатларни, кооперативларни ўзаро муносабатларни, мулкни бегоналаштиришга қарши ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлашни белгиловчи қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи сифатида тушунилиши керак.

3. Мазкур масаланинг назарий жиҳатлари тадқиқ қилиниб, “кластер”, “кооперация”, “кооператив” тушунчаларининг такомиллашган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Хусусан, мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперациясини ташкил этиш ва шаклланиш тамойиллари эҳтиёжини тўлалигича юқори савияда қондиришга қаратилган ва уларга кам харажатлар билан тегишли даражада моддий ва маънавий жиҳатдан наф келтирадиган нуқсонсиз хизматлар мажмуаси ишлаб чиқилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://www.statista.com/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // www.lex.uz.
3. Чаянов.А.В. Основные идеи и формы организации сельскохозяйственной кооперации. – Москва. -1927. - 357 б.
4. Буздалов.И.Н. Возрождение кооперации. – М.: Экономика.-1990. –81 б.
5. Бузина Т.С. Оптимизация взаимодействия участников в региональных агропромышленных кластерах / Т.С. Бузина, Я.М.Иваньо. – Иркутск: Издательство Иркутский ГАУ, 2015. – 148 с.
6. Кузнецова Н.А. Развитие интеграционных процессов в агропромышленном комплексе региона: монография. – Саратов: Саратовский социально-экономический институт (филиал) РЭУ им. Г.В.Плеханова, 2017. – 84 с.
7. Минаков И.А. Развитие интеграционных процессов в агропромышленном комплексе: Монография / И.А.Минаков–Мичуринск: Изд-во Мичуринского ГАУ, 2016. – 191с.
8. Володин В.М., Дубова Л.Н. и др. Кооперация и интеграция в АПК:

учебник для ВУЗов; под общ.ред. В.М.Володина. – Пенза, 2005. – 244 с.: ил. – Библиогр.: с. 189-198.

9. Антоненко Л.А. Кооперативы в преодолении мирового экономического кризиса: ретроспективный анализ прошлого./ Бюлетень Міжнародного Нобелівського економічного форуму. 2012. № 1 (5). Том 2. – с 11-18.

10. Аллахвердиев А.И. Развитие форм кооперации в аграрном секторе АПК. –Москва: - Экономика. –2003. –10 с.

11. Н.В.Ермалинская, Е.А.Кожевников. Кооперация в агропромышленном комплексе: учеб. пособие/Беларусь, Гомел. ГГТУ им. П.О.Сухого, 2016. – 191 с.

14. Чайка И.И., Ю.М.Сапего, Конкурентная борьба предприятий – это соревнование систем управления качеством. Стандарты и качество. – М.: 2016, №12.

15. Лифиц И.М. Конкурентоспособность товаров и услуг: Учебное пособие. - 2-е изд., перераб. и доп.- М.: Высшее образование; Юрайт-Издат, 2009. - 460 с.

16. Р.М.Хусанов. Дехқон хўжалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари. – Т.: Чўлпон, 2000. – 103 б.

17. Қ.А.Чориев. Фермер ва дехқон хўжалиқларини кооперация жараёнига жалб этиш. Агроиктисодиёт илмий-амалий аграр иқтисодий журнал. – Тошкент. – 2017. – №1. – Б. 22-30.

18. Ў.П.Умурзаков., С.Эшматов. (O'zbek) Meva-sabzavotchilikda qiymat zanjiri tahlili. / <http://evu.uz/magazine/mevasabzavotchilikda>- qiymat-zanjiri-tahlili.

19. Т.Ҳ.Фармонов. Ўзбекистон Республикаси фермер хўжалиқларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: и.ф.д. дисс. автореф. –Тошкент: 2006. – 46 б.

20. Н.С.Хушматов. Мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида кооперацияни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари. Аграр иқтисодиёт. Илмий-амалий муаммолар бюллетени. /ЎзБИИТИ. – 2008. – № 3-4. – Б. 3-7.

21. О.Жумаев Кўп укладли иқтисодиёт шароитида мева-сабзавотчилик мажмуида кооперацияни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари: и.ф.н.дисс. автореф. – Тошкент: ЎзБИИТИ, 2004. – 24 б.

22. Ҳ.С.Хушвақтова. Бозор шароитида мева-сабзавот кичик мажмуасида агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий муаммолари: и.ф.н. дисс. автореф. – Тошкент: ЎзБИИТИ, 2005. – 23 б.

23. Р.Х.Эргашев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, Дарслик, Т.: “Молия-Иқтисод”, 2018, 45-47 б.

24. Ш.М.Муродов Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатларини шакллантириш:и.ф.ф.д. диссер. Автореферати-Т.: ТМИҚХММИ, 2019.